



ЎТМИШДАЁҚ УНУТИЛГАН АРХАИК СЎЗЛАР “ЎЛИК СЎЗЛАР” ДИР

Маъруфжон Қамбаров Абдуҳакимович

Гулистон давлат университети, катта ўқитувчиси
maribjon_kambarov@mail.ru

Мамарахимов Сирожддин Муртозаевич

Гулистон давлат университети ўқитувчиси,
mamaraхимov90@umail.uz

Ўразов Алишер Дониёрович

Гулистон давлат университети ўқитувчиси
orazovalisher96@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10800318>

ARTICLE INFO

Received: 06th March 2024

Accepted: 07th March 2024

Published: 09th March 2024

KEYWORDS

лексик қатлам, архаизмлар,
архаик сўзлар, ўлик сўзлар,
академик нашр.

ABSTRACT

Ўзбек тилшунослигида архаик сўзларни ўрганишга бағишланган айрим тадқиқотлар ва дарсликларда эскирган лексик қатламнинг ўтмишда истеъмолда бўлиб, ҳозирда эса умуман умумистеъмолда қўлланмаётган луғавий бирликлар қаторига ўтиб қолганлиги ҳақида маълумотлар берилган.

Ҳозир ишлатишдан умуман чиқиб кетган, ҳозирги давр вакиллари учун бутунлай тушунарсиз, истеъмолда умуман қўлланилмайдиган, тил тараққиётининг ўтмиш босқичига мансуб бўлган лексик бирликларни бугунги кун нуқтаи назаридан архаизм деб баҳолаш мумкин эмас. Булар ўтмишнинг лексик бирликлари бўлиб, архаизм ёки архаизм эмаслиги тил тараққиётининг ўша босқичига қўра белгиланади. Бундай сўзлар илмий манбаларда “ўлик сўзлар” деб аталади. Ўлик сўзлар ўтмиш даврларда истеъмолдан чиққан, ҳозирда деярли тушунарсиз, ҳозирги ўзбек адабий тили нуқтаи назаридан тамоман ўлик сўзлардир. Қуйидаги мақоламизда шу хусусда фикр юритмоқчимиз.

Ўзбек тилшуносларимиздан Р.Сайфуллаева ва бошқа олимлар ҳаммуаллифлигида чоп этилган “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарслиги (2020-йил, 112-113-бетлар)¹да қўлланиш даври чегараланган лексика уч гуруҳга ажратилган: 1) эски лексика; 2) эскирган лексика (архаик ва тарихий сўзлар). 3) ўлик сўзлар.

Мазкур гуруҳлардан бири, яъни “ўлик сўзлар” гуруҳи хусусида фикр билдирмоқчимиз. Ўзбек тилшунослигида эскирган лексиканинг архаизм турини ўрганишга бағишланган махсус иш бўлмаса-да, у баъзи мақолалар, айрим тадқиқотлар таркибида ўрганилган.

¹ Р.Сайфуллаева ва бошқ. “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарслиги, Т., 2020, 112-113-б.

Ўзбек тилшуносларидан С.Муталлибов², Ш. Раҳматуллаев³, Л. Абдуллаева⁴, Э.Бегматов⁵, Э. Қиличев⁶, К. Юсупов⁷ кабиларнинг ишларида, шунингдек, олий ўқув юртлири талабалари учун мўлжалланган дарсликларда⁸ “ўлик сўзлар”нинг ўтмишда истеъмолда бўлиб, ҳозирда эса умуман умумистеъмолда қўлланмаётган луғавий бирликлар қаторига ўтиб қолганлиги ҳақида у ёки бу даражадаги маълумотлар берилган.

Қайд этилган ишлардан бири хусусида қисқача тўхтаб ўтамиз. Бу С.Муталлибовнинг монографиясидаги “Архаизм сўзлар тарихидан” деб аталган бўлидир. Муҳими шундаки, унда ҳатто XI асрдаёқ эскирган лексик қатлам, яъни архаизмлар қаторига ўтиб қолган ва Алишер Навоий даврида ҳам архаиклигини сақлаб қолган сўзлар хусусида гап боради. Муаллиф шундай деб ёзади: “XI аср лексикасидаги кўзга яққол ташланувчи лексик хусусиятларнинг бири архаизмдир... Айрим сўзлар жуда қадимги даврга хос турмуш шароитлари билан зич боғли бўлиши натижасида турмуш шароити ўзгариши биланоқ иккинчи даврга мос келмаслиги, ортиқчалиги, фойдасизлиги билан жуда илгаридаяқ сафдан чиққан, архаик ҳолга кўчган. Масалан, у даврда ёввойи айғирлардан қочган байтал боласининг номи арқун («Девони луғотит турк», 1-т., 98-бет) деб аталар эди. Бу сўз ўз маъноси билан ҳам жуда қадим давларга, одамлар сийрак вақтларга оидлиги равшан. Шунинг учун ҳам бу сўз шароит ўзгариши биланоқ тилда фойдасиз бўлиб қолган ва ўша вақтлардаёқ сафдан чиққан»⁹. Муаллиф айна шу фикрнинг тасдиғи учун XI асрдаёқ архаизмлар қаторига ўтиб қолган бир неча сўзларни мисол тариқасида келтиради. Булар қуйидагилардир: овик - қир ва тошлоқ ерларда яшовчи кийик, чўбон¹⁰ - қишлоқ оқсоқоли ёрдамчиси; юғуш - бутларга қилинадиган қурбон номи, сен-охири — уч ёшга кирган от охири; юлмоқ - хотин эрдан ажралиш учун маълум миқдор тўловни тўлаб қутилиши; тадо¹¹ - кўз етган жойгача бўлган масофани англатувчи ер ўлчови; удал — шоҳлар сўзига жавоб юзасидан айтилувчи «албатта» маъносидаги сўз; азрироқ - қулоғи оқ, танасининг баъзи жойлари қора кийик; артут — шоҳга қилинадиган тортиқ¹².

Муаллиф сўзини давом эттириб, яна шундай деб ёзади: “Айрим сўзлар Навоийгача ва Навоий даврида ҳам қўлланиб, сўнг тамом истеъмолдан чиққанлар”¹³... Олим фикрининг

² Муталлибов С. Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк. -Тошкент, 1959, 188-210-бетлар.

³ Раҳматуллаев Ш. Архаизм ва историзм // Научные труды ТашГУ. Вып. 211. —С.243- 249; Шу муаллиф. Архаизм // Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили, 157-162, 163-164-бетлар.

⁴ Абдуллаева Л. Лексическая стилистика узбекской художественной литературы. — Ташкент, 1979. С. 52-55.

⁵ Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. —Тошкент, 1985, 76- 78-бетлар. Яна қаранг: Ўзбек тили лексикологияси, 147-151-бетлар.

⁶ Қиличев Э. Архаизми и историзми в прозе С.Айни. -С. 7-14; Қиличев Э. Бадиий тасвирнинг лексик воситалари, 25-32-бетлар.

⁷ Юсупов К. Ўзбек адабий тилининг лексик-семантик ва стилистик хусусиятлари. — Тошкент, 1986, 19-29-бетлар.

⁸ Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили, 44-бет; Р.Сайфуллаева ва бошқ. “Ҳозирги ўзбек адабий тили” дарслиги, Т., 2020.

⁹ Муталлибов С. Кўрсатилган асар, 180-бет.

¹⁰ Бизнингча, бу сўз архаизм эмас, балки историзмдир.

¹¹ Назаримизда, тадо сўзи ҳам тарихий сўздир.

¹² Муталлибов С. Кўрсатилган асар, 181-бет.

¹³ Шу жойда, 181-бет.

далили учун қуйидаги мисолларни келтиради: уйлик —хотин, уйичқа —эр, синак — чивин, очун- дунё, оғирламоқ -хурмат қилмоқ, туз - тўғри, энг —юз, башара, энглик — хотинлар юзларига сурадиган упу, кириш — камон ёки Андижонда бу сўз — ёйнинг ипи, улус¹⁴ —халқ, эмгак¹⁵ — труд, балиқ- шаҳар, эш¹⁶ — друг, ҳамсухбат, ёвуқ¹⁷- яқин ва бошқалар.

С.Муталлибовнинг қуйидаги сўзлари ҳам диққатга моликдир: «XI асрдаги бир қисм сўзларнинг истеъмолдан чиқиши, архаик ҳолга кўчиши улар турмушга яроқсизлиги билан эмас, улар ўрнида кўшни халқлар тилларидаги сўзлар қўллаш билан боғлиқдир. Масалан: рўзи —озуқ, панд- насиҳат, орзув, ёри, телва, биебон, пош, равон, ҳаво, нард, жаҳон каби тожикча сўзлар, хаттоки, -гар каби боғловчи кўмакчилар ҳам қўлланар эди»¹⁸.

Бундай луғавий бирликларни “ўлик сўзлар” қаторига киритсак бўлади. Фикримизни қуйидаги манба асосида тасдиқлаймиз: “Айрим сўзлар ҳозирги давр вакиллари учун бутунлай тушунарсиз бўлиши, истеъмолда бутунлай чиқиб кетиши мумкин: ўмиз (кўкрак), будун (халқ), битик (китоб) сўзлари шундай хусусиятга эга. Бундай сўзлар “ўлик сўзлар” деб юритилади”¹⁹.

Шунингдек, қуйидаги манбада келтирилган фикрлар ҳам фикримизни тасдиқлайди: “Ҳозир ишлатишдан умуман чиқиб кетган, тил тараққиётининг ўтмиш босқичига мансуб бўлган лексик бирликларни бугунги кун нуқтаи назаридан архаизм деб баҳолаш мумкин эмас. Булар ўтмишнинг лексик бирликлари бўлиб, архаизм ёки архаизм эмаслиги тил тараққиётининг ўша босқичига кўра белгиланади..., яъни ўтмиш луғатига мансуб бирликлар. Бундай лексик бирликлар ўтмишда яратилган ёки ўтмиш тасвирланган асарларда ишлатилади”²⁰. Дарсликнинг лексик маъноларнинг турлари бўлимида аввалги лексик маънога таъриф берилиб, “тилнинг ўтмиш тараққиёт

¹⁴ Улус лексемаси «Ўрта Осиёда йирик феодал давлат» (ЎТИЛ) маъносида историзм ҳисобланади.

¹⁵ ЎТИЛда бу сўзнинг айна шу маънода диалектал сўз эканлиги уқтирилган. Шунинг учун уни архаик деб ҳисоблаш қийин бўлса керак.

¹⁶ ЎТИЛда эш сўзининг «ўртоқ, ҳамдам, йўлдош, шерик» маъносида ишлатилишини тасдиқловчи мисол А.Мухторнинг «Чинор» романидан келтирилган: Кўп ўтмай янги шаҳардаги бошланғич мактабга муаллим бўлиб кирди, билимли рус, қозоқ йигитларидан дўст-эш орттирди. Бироқ унинг “жуфт”, «бола туғилгандан кейин тушадиган қобиқнинг қолдиғи; йўлдош» маънолари диалектал сўз эканлиги таъкидланган. Бинобарин, мазкур сўзни архаик деб бўлмади.

¹⁷ ёвуқ лексемаси ЎТИЛда эскирган эканлиги қайд этилган ва қуйидаги мисол келтирилган: Бу вақтда ёвуқдан милтиқ овози эшитилиб, унинг тутуни бандилар ва соқчиларни қоплаб олди (С.Айний. Қуллар). Бизнингча, бу сўз архаизм эмас, балки Хоразм шеvasига хос диалектал сўз ҳисобланади. Бир вақтлари машҳур бўлиб кетган ашулалардан бирининг «Узоқ йўлни қилди ёвуқ, Энди дилларда армон йўк» мисрасини эслаб кўрайлик. Шунингдек, дарсликлардан бирида ҳам ёвуқ лексемасининг архаик эканлиги ёвуқдан милтиқ овози эшитилиб, унинг тутуни бандилар ва соқчиларни қоплаб олди (С.Айний. Қуллар). Бизнингча, бу сўз архаизм эмас, балки Хоразм шеvasига хос диалектал сўз ҳисобланади. Бир вақтлари машҳур бўлиб кетган ашулалардан бирининг «Узоқ йўлни қилди ёвуқ, Энди дилларда армон йўк» мисрасини эслаб кўрайлик. Шунингдек, дарсликлардан бирида ҳам ёвуқ лексемасининг архаик эканлиги қайд этилган. Бу фикрга ҳам қўшилиш қийин. Қаралсин: Минъаев М. Усмонов С. Расулов И. Ўзбек тили, 44-бет.

¹⁸ Муталлибов С. Кўрсатилган асар, 184-бет.

¹⁹ Ш.Шоабдурахмонов, М.Асқарова, А.Ҳожиёв, И.Расулов, Х.Дониёров. ҲЎАТ, Т. 1980, 1 қисм. Дарслик. 125-бет.

²⁰ Ш.Раҳматуллаев. Ҳозирги адабий ўзбек тили. Т.,2006, 91-бет.

босқичига мансуб, ҳозирги луғат бойлиги таркибида қатнашмайдиган лексик маъно²¹ га айтилиши таъкидланган. Аввалги лексик маънони 2 гуруҳга, яъни:1) эски лексик маъно ва 2) этимологик лексик маънога ажратган. Манбада эски лексик маъно тарихий лексикологияда, ҳозирги лексик маъно тасвирий лексикологияда ўрганилиши таъкидланиб, тил тараққиётининг ўрганилган босқичига мансуб лексик маъно ҳозирги лексик маъно дейилиши қайд этилган.

Ўзбек тили лексикологияси” академик нашрида эскирган сўз билан эски сўз тушунчалари мисоллар асосида фарқлаб берилган. Ҳозирги тилда истеъмолда умуман қўлланилмайдиган, “тарихан ўзбек тилининг мулки бўлса-да, эндиликда функционал **ўлик бўлган...** **ўлик сўз** ўтмиш даврларда истеъмождан чиққан, ҳозирда деярли тушунарсиз, ҳозирги ўзбек адабий тили нуқтаи назаридан тамоман **ўлик сўзлар**”. Масалан, Алишер Навоий асарлари тилида ишлатилган

Биз ҳам бу фикрларга қўшилган ҳолда тақдиқот объектимизда ҳам “ўлик сўзлар” мавжудлигини таъкидламоқчимиз. Масалан: **оёқ, аяқ** (туркий) – *коса, идиш, қадаҳ, катта пиёла*: Аммо тушкани билан бурунгича ичмас, икки-уч, ортиб кетканда **оёқ** ила кифояланар (293); “Шанба куни бир **аёқ** сут ичдим” (Бобурнома (228,1); “Навоий асарлари учун қисқача луғат”и (тузувчи Б.Ҳасанов. 1993,14-бет)да **аяқ** ва **айағ** шаклида қадаҳ, май маъноларини англатиши таъкидланган; **ом** (*арабча*) **этно.**– *омма, кўпчилик, умумий; таван- этно.* – *тортиқ, туҳфа (мева, кийим-кечак).*

Умуман олганда, С.Муталлибовнинг номи кўрсатиб ўтилган монографиясида архаизмлар ҳақидаги мулоҳазалари ва унда келтирилган мисоллар эскирган сўзлар айна шу хилининг диахрон ва синхрон планда нутқ доирасидан узоқлашуви ҳақида, қисқача бўлса-да, етарли маълумот бера олади, архаизмларни тарихий сўзлардан фарқлай олиш ишини анча осонлаштиради.

Адабиётлар:

1. Xudoyqulova, S., & Dehqonova, L. (2021). ABDULLA QODIRIYNING SO ‘Z QO ‘LLASH MAHORATI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(4), 589-595.
2. Ерматов, И., & Дехконова, Л. (2021). Об аффиксах, заимствованных из таджикско-персидского в узбекский язык. Общество и инновации, 2(2/S), 462-469.
3. Abdullayevna, D. L. (2024). Arab yozuvidagi harflarning she’riyatdagi jilosi. Journal of Universal Science Research, 2(2), 25-28.
4. Dexkanova, L. (2023). ARABCHA KO ‘PLIK SHAKLLARINING O ‘ZBEK TILIDA QO ‘LLANILISHI. O‘ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI, 2(18), 235-238.
5. Jumanazar, A., & Lutfiniso, D. (2022). Linguistic Unity in Uzbek Linguistics Some Comments about the form. European Multidisciplinary Journal of Modern Science, 6, 688-692.
6. Туйчиева, З. Х. (2022). ПРОЯВЛЕНИЕ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИХ МОТИВОВ СТУДЕНТОВ В ПРОЦЕССЕ ОБУЧЕНИЯ ПСИХОЛОГО-ПЕДАГОГИЧЕСКИХ НАУК. Talqin va tadqiqotlar ilmiy-uslubiy jurnali, 1(4), 244-248.
7. Tuychieva, Z. (2019). PRINCIPLES OF DIFFERENTIATING OF GENDERS IN UZBEK ANTHROPOLOGY. Bulletin of Gulistan State University, 2020(1), 75-82.

²¹ Ш.Раҳматуллаев. “Ҳозирги адабий ўзбек тили, дарслик (Т., 2006), 60-бет.

8. Khamrokulovna, T. Z. (2018). Literature revealing the truth of life. Проблемы педагогики, (7 (39)), 77-78.
9. Тўйчиева, З. (2023). АБДУЛЛА ҚАХҲОРНИНГ “САРОБ” РОМАНИДА ИБОРАЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ. Journal of Universal Science Research, 1(4), 304-307.
10. Kholbekova, M., & Tuychiyeva, Z. Articles and expressions in Hamid Olimjon's works. In Current issues of Uzbek linguistics. Republican scientific-theoretical conference materials (Vol. 3).
11. Sirojiddin, M. (2023). О ‘ЗБЕК ТИЛИДА МАҚСАД МА’НОСИ СО ‘ЗЛАР ОРҚАЛИ ИФОДАЛАНИШИ. Journal of Universal Science Research, 1(5), 20-25.
12. Абдуллаев, Ж. Х. (1994). Узбек халк топишмоқларининг лексик-семантик хусусиятлари.
13. Абдуллаев, Ж. (2021). ТИЛ ҚУРИЛИШНИНГ АСОСИЙ БИРЛИКЛАРИ АКАДЕМИК АЗИМ ҲОЖИЕВ ТАЛҚИНИДА 1-мақола Морфеманинг моҳияти. Farg'ona davlat universiteti, (4), 28-28.
14. Мураткулов, А. Т. (2023, June). ОРГАНИЗОВАТЬ УРОКИ РОДНОГО ЯЗЫКА В НАЧАЛЬНЫХ КЛАССАХ НА ОСНОВЕ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ. In INTERNATIONAL SCIENTIFIC-PRACTICAL CONFERENCE ON" MODERN EDUCATION: PROBLEMS AND SOLUTIONS" (Vol. 2, No. 7).
15. Мураткулов, А. Т., & Мураткулова, М. А. (2023). АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА АРАБ, ФОРС ТИЛИДАН ЎЗЛАШГАН СЎЗЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ. PRINCIPAL ISSUES OF SCIENTIFIC RESEARCH AND MODERN EDUCATION, 2(8).
16. Мураткулов, А. Т., & Мураткулова, М. А. (2023, June). ОБРАЗ ЛУКМАН ХАКИМА В «КИСАС УЛЬ-АНБИЯ». In INTERNATIONAL SCIENTIFIC-PRACTICAL CONFERENCE ON" MODERN EDUCATION: PROBLEMS AND SOLUTIONS" (Vol. 2, No. 7).
17. Abduhakimovich-Guliston, M. K. (2021, April). LEXICAL AND SEMANTIC FEATURES OF ARCHAIC WORDS IN THE WORKS OF GHAFUR GHULAM AND ABDULLAH QAHNOR. In Archive of Conferences (Vol. 23, No. 1, pp. 38-49).
18. Sharipov, F. G., & Sharipov, J. G. (2020). THE INITIAL PERIOD OF FORMATION OF THE UZBEK SCIENTIFIC LINGUISTICS. Bulletin of Gulistan State University, 2020(4), 25-31.
19. Sharipov, F. G. (2021). Improvement of classification of parts of speech in modern Uzbek morphology. Academic research in educational sciences, 2(6), 455-465.
20. Латипов, М. М., & Тожибоев, У. У. (2022). ЗЕМЕЛЬНЫЕ И ВОДНЫЕ РЕФОРМЫ, ОСУЩЕСТВЛЕННЫЕ В КОНЦЕ XIX НАЧАЛЕ XX ВЕКА В ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ. Экономика и социум, (10-2 (101)), 417-419.
21. Латипова, М. М. (2022). МУЛОҚОТНИНГ ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРДАГИ АХАМИЯТИ. Scientific Impulse, 1(4), 1765-1768.